Ушбу сонда:
2 *Бозор талаби қатъий* ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИЛАДИ
3 ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ
4 *Сиз кутган учрашув* «ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 26 январ, чоршанба № 14 (1855)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2005 йил Ўзбекистон Республикасида «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тасдиқлансин.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг иловада назарда тутилган тадбирлари тасдиқланган республика бюджетида ва маҳаллий бюджетларда молиялаштиришнинг аниқ манбалари, бажарувчилар маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-оналар ва педагоглар ролини кучайтириш;

гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

пенсионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санатория-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини, айниқса болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ишларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мураккаблиги даражаси ва сифатига қараб меҳнатга табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлашни жорий этиш юзасидан аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий қоидаларига мувофиқ 10 кун муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқсинлар ва уларнинг бажарилишини таъминласинлар.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси доирасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий бўлимлари амалга оширилиши учун масъуллардан иборат Кенгаш тузилсин.

5. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишнинг қуйидаги тизими белгилансин:

Кенгаш ҳар ойда тўпланади ва «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган аниқ тадбирлар бўйича бажариш учун масъулларнинг ҳисоботини эшитади;

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун масъуллар ҳар чоракда Республика комиссияси мажлисларида дастур бўлимларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берадилар;

Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун масъулларнинг ҳисоботларини тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тегишли қўшимча ахборот тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Республика комиссиясига киритади.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунтиришни, турли даражаларда дастурнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2005 йил 25 январ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 27 январ куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилади.***

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 26 январ куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 27 январ куни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилади.***

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари 26 январ куни соат 14.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЯКУНИГА ЕТДИ

***Мамлакатимизда қарийб тўрт ой давом этган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа - сайлов кампанияси ниҳоясига етди.***

***2004 йил 26 декабрда ўтган сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи палатаси - Қонунчилик палатасига депутатлар тўлиқ, яъни 120 нафардан иборат таркибда сайланди.***

Сайлов ва такрорий овоз бериш жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам сайланди.

Шу йил 17-20 январ кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, юқори палата аъзолигига сайланган 84 нафар сенатор рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг ўн олти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 январдаги Фармонига кўра фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан тайинланди.

Сайловнинг барча жараёнлари миллий қонунчилик ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда зиммасига олган мажбуриятлари доирасида ташкил этилди. Фуқароларимиз сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланиши учун тегишли шарт-шароит яратилди. Сиёсий партиялар сайлов қонунчилигида кўзда тутилган имкониятлардан тўлиқ фойдаландилар.

Сайловда Ўзбекистоннинг беш юзга яқин, хориждан эса юздан ортиқ оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг кенг ва эркин иштирок этиши таъминланди.

25 январ куни Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида сайлов кампанияси якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида шу хақда сўз борди.

Таъкидланганидек, юртимизда илк бор ўтказилган икки палатали парламент сайлови натижаси ўлароқ, халқимизнинг илғор қарашли, фидойи, билимдон фарзандларини ўзида жамлаган, жамиятимизнинг барча қатламлари вакилларидан ташкил топган, Ватанимиз равнақи, барқарорлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил ишлашга бел боғлаган, ишчан Олий Мажлис таркиби шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев сайлов жараёнларининг юқори савияда, қонун доирасида, очиқ ва ошкора, демократик руҳда ўтганлигини таъкидлар экан, сайлов кампаниясини холисона ёритишда фаоллик кўрсатгани учун оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси номидан миннатдорлик билдирди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев сайловда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги яққол намоён бўлгани, биринчидан, ҳамюртларимизнинг мамлакатимиз тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатса, иккинчидан, оммавий ахборот воситалари сайловнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишилар онгу-шуурига етказишда жонбозлик кўрсатганидан далолат эканини алоҳида қайд этди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**(ЎзА)**

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

***Хоразм вилоятининг Гурлан туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.***

Ҳозирги кунда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда жойларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир вилоят ҳамда туман ҳокимликлари, прокуратура вакиллари ҳамда "Камолот" ташкилотининг ҳудудий кенгашлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

2004 йил давомида Гурлан тумани меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлимига 2 минг 480 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро мурожаат қилган. Меҳнат бўлимига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг 1 минг 382 нафари турли корхона, ташкилот, ширкат ва фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди. 748 нафар фуқароларга маъқул келадиган иш топилмаганлиги сабабли ишсизлик нафақаси тайинланди. 292 нафар фуқаро вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 10 нафари эса ижтимоий таъминот бўлими рўйхатида бўлган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди.

Навбатдаги ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида тумандаги 35 та корхона ва ташкилот, 6 та фермер хўжаликлари 160 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

**"Туркистон-пресс"**





Жанубий Корея, Тайван, Италия ва Польша давлатларидан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси «МосЯнТекс» (Mos Yan Tex) ўтган йилнинг июн ойида ўз фаолиятини бошлаган эди. Қисқа вақт ичида мазкур қўшма корхона ўз нуфузига эга бўлди.

Бу ерда йил якунигача эллик миллион сўмлик болалар, ўсмирлар ва катталар учун футболка ва майкалар ишлаб чиқарилди.

Айни чоғда корхонада ўттиз нафар ишчи меҳнат қилади. Унинг иккинчи навбати ишга туширилса, улар сони олтмиш нафарга етади.

Ҳозир «МосЯнТекс» маҳсулотлари фақат экспортга чиқариляпти. Келгусида эса ички бозорга сотиш ҳам режалаштирилмоқда.

**Суратларда: ўз ишининг усталари Азиза Солиева ва Ҳилола Насриддинова; тикув цехида.**

**Муҳаммад КАРИМ (ЎзА) олган суратлар**

*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

## СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ фарзандлар учун ажойиб совға

***Ҳиссадорлик жамиятимиз Миришкор туманидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланиб, миқдори ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнаткашлар турмуш фарвонлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Чунончи, корхонада техника хавфсизлигини таъминлаш, қулай меҳнат, дам олиш шароитларини яратиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш кўнгилдагидек амалга оширилмоқда.***

Жамоамизда айни пайтда 650 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан 100 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Бизда уларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган. 3 ёшгача фарзандини тарбиялаётган аёлларга қўшимча имтиёзлар берилган. Янги йил байрами муносабати билан 20 нафар хотин-қизга қимматбаҳо совғалар берилди. Меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга тўрт килограммдан ўсимлик ёғи тарқатилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришаётган смена аъзолари 25-30 минг сўм миқдордаги пул мукофотлари билан рағбатлантириб борилмоқда.

Зарарли шароитларда ишловчилар учун сут маҳсулотлари доимий равишда бериб борилади. Яна бунга қўшимча равишда бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилганмиз. Ўз навбатида, меҳнат муҳофазаси қатъий эътибор остига олинган. Ҳар йили ишчиларимизга махсус кийим-бош берилади. Шунингдек, етарлича жиҳозланган, дори-дармонлар билан таъминланган тиббий пункт ишлаб турибди. Касаллиги аниқланганлар имтиёзли йўлланмалар билан санаторий-профилакторийларга жўнатиляпти.

Айни пайтда корхонада пахтани қайта ишлаш қизғин давом этмоқда. 2004 йил пахта ҳосилидан олинган 57 минг тонна хомашёнинг ҳозиргача 15 минг тоннаси қайта ишланди. 5 минг тонна сифатли тола олинди. Шунингдек, 1300 тонна уруғлик чигит ҳам янги мавсум учун тайёрлаб қўйилди.

Корхонамиз маъмурияти ҳомийлик ишларини ҳам ўз ўрнига қўйиб келмоқда. Тумандаги Собир Раҳимов номли мактаб корхона оталиғида бўлиб, болалар спортини ривожлантириш мақсадида ўқув маскани спорт зали тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди ва 2,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Бу ўқувчи-ёшларимизга жуда яхши совға бўлди. Мактабни таъмирлаш учун эса 5 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, яна Беруний номли мактабга ҳам 400 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Айни кунларда бу ўқув масканларида корхонамиз ишчи-хизматчиларининг фарзандлари таълим-тарбия олишмоқда.

Мамлакатимизда 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши бундай хайрли ишлар кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлади.

**Жуманазар АВАЗОВ, «Жейнов пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**

## АБДУЛЛАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Москвада дзюдо бўйича ўтган жаҳон суперкубоги босқичида Абдулла Тангриев финалда россиялик Александр Михайлинга имкониятни бой бериб, кумуш медал соҳиби бўлди.

**(ЎзА)**

*Қонун барчага баробар*

## ХЎЖАКЎРСИНГА ЎРНАТИЛГАН назорат-касса машиналари

***Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходимлари амалдаги солиқ қонунчилиги ижроси юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга ошириб келишмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Риштонда барча шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари бўлим бошлиқлари, участка инспекторлари, вилоят божхона бошқармаси вакиллари иштирокида семинар йиғилиш ташкил этилди.***

- Божхона ва солиқ бошқармаси, банк, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, рўйхатга олиш инспекциялари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакиллари жисмоний шахслар учун қарор талаблари хусусида жойларда очиқ мулоқот ташкил этишмоқда, - дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Шуҳрат Ортиқов. - Айни пайтда 16 нафар тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслардан аризалар олиниб, уларга гувоҳномалар расмийлаштириб берилди. Афсуски, барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ҳамон амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, жойларда ўтказилган рейдлар давомида 24 нафар қоидабузар жисмоний шахслар божхона ҳужжатисиз, сифат сертификатига эга бўлмаган 1575 минг сўмлик импорт товарлари сотаётганлиги аниқланди.

Фарғона туман Давлат солиқ инспекцияси жамоаси ҳам ҳукуматимиз томонидан солиқ идоралари олдига қўйилган вазифаларни бажариш билан бирга иқтисодий назорат ишларини бўшаштирмаяптилар. Жумладан, ҳисобот даврида соҳага доир қарорларнинг бажарилиши бўйича юридик ва жисмоний шахслар фаолияти назоратдан ўтказилди. Текширувда айрим «учарлар» кўзга ташланиб қолди. 327 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юз берганлиги қайд этилди.

Назорат-касса машинасини ўрнатмасдан савдо билан шуғулланаётган устамон 5 та хусусий корхона ва 4 нафар жисмоний шахс фаолияти фош этилди. Савдо шохобчаларига хўжакўрсин учун назорат-касса машинаси ўрнатилган бўлса-да, ундан фойдаланмаслик ҳолатларига нима дейсиз? Нақд пул тушумини ўз вақтида банкка топширмаётган шахслар иш ҳақлари, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар кечикишига қанчалик сабабчи бўлишаётганликларини билишармикан?

- Аҳолига пуллик транспорт хизмати соҳаси бўйича эса фуқаролардан 167 нафари туман ҳокимлигидан рухсатнома олиб, солиқ инспекциясида рўйхатга олинди, - дея суҳбатни давом эттирди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ойбек Жуманов. - Қатор назоратли ишлар олиб борилиши натижасида мавжуд савдо шохобчаларининг банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очилиб, тушум пуллари ўз вақтида топшириб келинмоқда. Маҳаллий мол-мулк солиғи бўйича ҳам ундирилиши лозим бўлган режа уддаланди. Бу албатта, фуқаролар солиқ тўловчанлик қобилиятининг ўсиб бораётганлиги ҳамда амалдаги қонунчилигимиз борасидаги ҳуқуқий онгининг шаклланиб бораётганидан далолатдир.

**Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири**

*Яхшилар кўпдир жаҳонда*

# ЭНГ КАТТА САВОБ

***Шундай воқеалар бўладики, умрбод унутилмайди. Хушнуджоннинг қисматида ногиронлик бор экан. Ундаги туғма нуқсонга барҳам бериш учун оиладагилари кўп ҳаракат қилишди. Шифокорлар ҳам барча чораларни кўрди. Бироқ наф бўлмади. Байрам арафасида уни касалхонадан уйга олиб келишди. Ширин сўз жон озиғи, деган гап бор. Хушнуджоннинг аҳволидан хабардор бўлган туман касаба уюшмаси вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари уни кўргани келишди. Байрам баҳонасида совға-саломлар бериб, кўнглини кўтаришди.***

Баъзида дўхтирларнинг муолажаси-ю, дори-дармонидан кўра икки оғиз ширин сўз инсон дардига малҳам бўларкан. Мана шу воқеага ҳам уч йил бўлди. Ҳозир Хушнуджон Бекжоновнинг аҳволи анча яхши, мутасадди ташкилотлардан биркитилган кишилар тез-тез хабар олиб туришибди...

Ижтимоий ҳимояни кучайтиришга оид қарорлар ижросини таъминлаш борасида Хонқа туман ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари ҳам фаол ҳаракат қилишяпти. Айни пайтда 13.600 нафардан зиёд нафақадаги кишилар ва ёшга доир пенсионерлар ҳар жиҳатдан ҳимояга олинган.

Бозор иқтисодиёти шароитининг яхши жиҳатлари жуда кўп. Ҳар ким ўзи хоҳлаган соҳада иш юритиб, тезда кўзлаган ниятига эришиб олиши мумкин. Лекин беш қўл баробар эмас. Меҳнатга яроқсиз ёки вақтинчалик иш қобилиятини йўқотган, ногирон кишиларга осон эмас.

Шу ўринда туман ижтимоий таъминот бўлимидаги мутахассисларнинг тажрибаси асқотмоқда. Масалан, Навоий номли, «Хоразм», «Хазорасп», «Хонқа» ширкат хўжаликлари, шунингдек, «Қишлоқхўжаликкимё», автокорхона, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи субъектлар, юздан ортиқ фермерлар хомийликка жалб этилган. Уларнинг ҳар бири кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногиронларни оталиққа олиб, моддий-маънавий мадад бериб туришибди.

Яқинда ҳомийларнинг ташаббуси билан 19 нафар ногиронга аравача, ҳасса ва эшитиш мосламаси олиб берилди. Бундан ташқари, 50 нафар нафақахўр ҳомийлар кўмагида шаҳар транспортидан бепул фойдаланмоқда.

Ижтимоий мададга муҳтожларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам бўлим мутахассислари аниқ режа асосида иш олиб бормоқда. Туман тиббиёт бўлими билан ҳамкорлик асосида 270 нафар нафақахўр ва 43 нафар ногирон тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, 21 нафар нуроний «Товоқсой», «Косонсой», «Хонқа» санаторийларига йўлланма билан таъминланган бўлса, 14 нафар ногирон ва вояга етмаганлар ташхис бўйича даволаниш учун саломатлик марказларига жойлаштирилди.

Табиий иқлим шароити бошқа минтақалардагига нисбатан анча мураккаб ҳисобланган Хонўҳкенпртьқада қариялар, ногирон ва меҳнатга лаёқатсиз кишилар ҳамда кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ибратлидир. Таъкидлаш жоизки, Сиҳат-саломатлик йили дастури асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар саломатлигини муҳофазалаш юзасидан туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида истиқболли режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, маҳаллий бюджетдан ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўп миқдорда маблағ ажратиш ва унинг асосий қисмини соғломлаштиришга йўналтириш назарда тутилган.

**Қ.САМИЕВ,**
**шифокор**

*Миннатдорчилик*

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

***Оққўрғон туманидаги собиқ А.Икромов номли ширкат хўжалигида яшайман. Сўнгги беш йилда оила пудрати асосида деҳқончилик қилиб, фарзандларим ҳамкорлигида шартнома режасини ортиғи билан уддалаб келдик.***

Ўтган мавсум охирида Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўзимга ўхшаган ер эгаси бўлиш иштиёқида юрганларга қанот бағишлади. Мазкур қарорга кўра хўжалигимиз фермерлар уюшмасига айлантириладиган бўлди.

Шундан сўнг яхши ният билан комиссия раиси номига ариза бердим ва танловда иштирок этиб, биринчи босқичда энг кўп балл тупладим. Лекин айрим мутасаддиларнинг ноқонуний иш юритиши туфайли танлов ғолиби бўлсам-да, менга берилиши лозим бўлган ер бошқа бир кишига инъом этилди.

Тугатиш комиссиясининг бу ноқонуний иши фермерлик ҳаракатига зид эканлигини ёзиб, кўп ташкилотларга учрашдим, аммо натижа чиқмади. Шундан сўнг «Ишонч» газетасига мурожаат этдим. Аризам ўрганилиб, «Пудратчи фермер бўлолмади, сабаб?» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Газетадан миннатдорман, таҳририят аралашуви туфайли ноқонуний ишларнинг пайи қирқилиб, адолат қарор топди ва мен ерли бўлдим. Айни пайтда бизга ажратилган 24 гектар майдонда фарзандларим билан қишки тадбирларни амалга оширяпмиз. 2005 йилда ғалла ва бошқа экинлардан баракали ҳосил кўтариш ниятида ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

**Абдиҳаёт РАИМБЕРДИЕВ,**
**фермер**



*Умрнинг ҳар дами ғанимат!*

*Тадбиркорлик*

# НОРИНДАГИ БУ АЖОЙИБ БОҒЛАР

***Норинлик оддий ишчи Зокиржон Мусаев беш йил муқаддам хўжаликдан икки ярим гектар боғни ижарага олганида у бир иш чиқаришига одамлар унчалик ишонишмаганди. Ўтган давр шубҳалар асоссиз эканлигини кўрсатди. Оила аъзолари билан меҳнатга бел боғлаган тадбиркор нафақат ихтиёридаги боғни даромад манбаига айлантирди, балки ён-атрофдаги ташландиқ ерларни ҳам ўзлаштириб, янги экинзорлар яратди ва эл маъмурчилигига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.***

Яқинда ана шу миришкор яна бир ташаббус билан чиқди. Яъни «Учтепа» қишлоғида жойлашган булоқ атрофини ободонлаштириб, маданий дам олиш масканига айлантирди. Айни пайтда бу ерда нуронийлар оромгоҳи бунёд этиляпти.

Ишбилармон бу билан чекланмай, ҳамкорликда булоқ сувидан «Бобуршоҳ» деб номланган маъданли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, булоқ сувидан бир қатор хасталикларга даъво сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, янги корхона 8 нафар кишининг доимий ишли бўлишига имкон яратди.

Сиҳат-саломатлик йилида З.Мусаев ўзи истиқомат қилаётган маҳалладан ҳеч кими йўқ беш нафар кишини ва икки нафар ногиронни оталиққа олган. Жорий йилдаги даромадидан Германиядан зарур дастгоҳлар келтиришни ният қилган.

**Р.МИРЗАОЛИМОВ,**
**мутахассис**

# ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

*Бандлик дастури амалда*

# АҲОЛИ ЗИЧ ЯШАЙДИГАН ҲУДУДДА

***Шаҳрисабз аҳолиси анча зич жойлашган туманлардан бири саналади. Унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини тўла-тўкис ҳал этиш жараёнида касаба уюшма фаоллари қўшаётган ҳиссаси сезиларли бўлаётир. Давлат ва нодавлат секторида иш юритаётган кишилар ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш билан бирга янги иш ўринлари яратиш масаласига жиддий ёндошилмоқда.***

Туман тармоқ касаба уюшмалари фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳокимлик ва меҳнат бўлимининг биргаликдаги саъй-ҳаракати, шунингдек, ижтимоий шерикчиликда ўтказилган меҳнат ярмаркаси барчанинг эътиборини ўзига жалб қилди. Мазкур тадбирда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари ва кичик корхоналардан 50 дан ортиғи иштирок этди.

Меҳнат ярмаркасида бўш жойлар ва иш ўринлари аниқланибгина қолмасдан унинг ҳақиқий даъвогарлари ҳам маълум бўлди. Туман тасарруфида истиқомат қилувчи кўплаб кишилар тадбир давомида ўзларига муносиб иш топа олганларидан ғоятда мамнун бўлишди. 40 нафар ишсиз жамоат юмушларига жалб этилди. 135 нафар ёшлар касбий таълимга йўналтирилди.

Шунингдек, «Ҳужум» ишлаб чиқариш корхонаси, пиллани қайта ишлаш корхонаси ва тикиш-бичиш бўйича миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, янги цехлар барпо этиб, биринчи чорак охирига бориб 230 та ишчи ўрни барпо этиш меҳнат ярмаркасининг кун тартибига киритилди.

**Ҳамида ХУШВАҚТОВА,**
**Шаҳрисабз туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси муовини**



*Масала кўндаланг қўйилади*

# ИНСОФ БЕРСИН...

***Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл, деган ҳикмат бежиз айтилмаган.***

***Фарғона вилоятида бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган кишилар, шунингдек, вақтинчалик ногирон бўлиб қолган қариялар доимо эътиборда.***

Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Фарғона шаҳридаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш корхонаси ва унга дахлдор хусусий тизимдаги айрим кишилар мўмай даромад илинжида инсонгарчиликнинг айрим жиҳатларини унутиб қўйган кўринишади.

Бир мисол. Шаҳар марказидан аэропортга қатновчи йигирма биринчи ва олтинчи йўналиш серқатновлиги билан ажралиб туради. Боз устига, ана шу ҳудудда кўплаб корхона ва ташкилотлар қаторида шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-интернат-гимназия, 10-ўрта мактаб, Олимпия заҳиралари коллежи ҳам жойлашган бўлиб, бу ерда таҳсил кўраётган ўқувчи-ёшлар номлари зикр этилган автобус ва «Дамас»лардан фойдаланишади.

Гап шундаки, кейинги пайтда йўналиш ҳайдовчиларининг баъзи қилиқлари кўпчиликни ҳайратлантирмоқда. Дейлик, ҳеч қандай сабабсиз йигирма биринчи йўналишдаги автобус қатнови «сийраклашиб», бир соат ичида ҳам кўриниш бермай, йўловчилар тоқатини тоқ қиляпти. Олтинчи рақамли «Дамас» ҳайдовчилари эса негадир ўқувчиларни умуман машинага йўлатишмаётир. Баҳона — ўқувчиларнинг айримлари пул тўламас эмиш...

Шу ўринда йўналишдан доимий фойдаланувчи 6-синф ўқувчиси Жавлон Алихўжаев ва 2-синф ўқувчиси Юсуфбек Собировнинг фикрларини келтирайлик.

– Мактабга бориш учун уч-тўрт бекат юришга тўғри келади, – дейди улар. – Кўпинча 21- ва 6-йўналишлардан фойдаланяпмиз. Бироқ улар ўқувчини кўрișса, машина бўш бўлса ҳам тескари қараб ўтиб кетишади. Қўлимизда пулни кўрсатиб турсак ҳам машинасига чиқаришмайди. Шу боис мактабга қатнаш биз учун катта қийинчилик туғдиряпти. Билмадик, бу аҳвол қачонгача давом этаркин?

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**журналист**

# ХИЗМАТ ҲАҚИ

## эсдан чиқибди

*Холис фикр*

Якунланган йилда «Андижон-Телеком» акционерлик жамияти шаҳар бўлимининг мижозлари сони салкам икки мингга кўпайди. Эътиборлиси, асосий кўрсаткич хизматлар ҳажми бўйича режа ошиғи билан удданди. Айни пайтда сервис хизмати йўлга қўйилган. Автоматик телефон станцияларида абонент ҳақини тўлаш шохобчалари очилган. «ДЭУ-Телеком» ускуналари билан жиҳозланган рақамли АТСлар ишга туширилгач, алоқа сифати янада яхшиланди ва кўрсатилаётган хизмат турлари ортди.

Шунга қарамай айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, мижозлар шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб қилишни пайсалга солиб, айрим ҳолларда алоқачиларнинг ўзини айблашади. Таассуфки, айримлар рақамли АТСларда ўрнатилган тариф маълумотларининг магнит ускунаси шаҳарлараро ва халқаро тармоққа чиқувчи ҳар бир қўнғироқни қайд этишини ҳанузгача англаб етмаган кўринади.

Шунингдек, хонадонлар олди-сотди қилингач уларнинг аввалги эгалари телефон бўйича қарзларни тўлашни «эсдан чиқаришади». Бугунги кунда ҳар биримизнинг ишларимиз осон ва тез битишида телефоннинг ўрни бўлакча. Бироқ ҳожатимизни чиқарадиган ана шу беминнат воситадан фойдалангач, тўловни вақтида амалга оширсак, нур устига аъло нур бўларди.

**А.МАМАЖОНОВ,**
**ҳисобчи**

*Гиёҳвандлик — аср вабоси*

# ОИЛА, МАКТАБ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОР

***Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ташкилот-муассасалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-кенгашда гиёҳвандлик нақадар хавфли касаллик эканлиги, унга қарши биргаликда курашиш зарурлиги ҳақида алоҳида гап борди.***

Унда, жумладан, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва инсон саломатлигига путур етказувчи бошқа иллатларга барҳам бериш учун туман ҳокимлиги қошида махсус гуруҳ тузилгани, эндиликда унинг саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда, ташкилотларда, жамоатчилик жойларида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилаётгани самараси ўлароқ, якунланган йилда ана шу иллатлар билан боғлиқ кўрсаткичлар аввалгиларига қараганда 25 фоизга камайгани қайд этилди.

Сиҳат-саломатлик йилида бу масалага янада эътибор билан қаралаётгани аниқ мисоллар орқали ифода этилди. Ушбу тадбир шуниси билан аҳамиятлики, унда тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари қаторида тасарруфдаги барча мактаблардан ўқувчилар, коллеж ва лицейларнинг талабалари ҳам иштирок этишди. Шунингдек, ўқув муассасаларида ҳуқуқий дарслар қаторида ушбу мавзуда кенг тушунтириш ишларини янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

**Шохруҳ ҚОДИРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# ЭСИЗ УМР, ОДАМГАРЧИЛИК

***Бировнинг молига кўз олайтириш ёки ўғирлик қилиш кечириб бўлмас гуноҳи азим ҳисобланади. Афсус, оз бўлса-да, шундай инсонлар борки, улар ўзгалар мулкига осонгина эгалик қилишни ўзларига «касб» қилиб олишган.***

Салом-аликдан сўнг Жаҳонгир бугун туғилган куни эканлигини, бирон яқин кишиси йўқлигини айтиб, кўнглидагини тўкиб солди. Бу гапларга ишонган Ниғмат ака ҳам унга ўзини яқин олди. Камбағалнинг тўйгани чала бой бўлгани, деганларидек Жаҳонгир қорнини силаб муғомбирона қараш қилди. Унинг бу ҳаракатларида яширин маъно акс этарди. Туғилган кун баҳона улар дўстлашиб олишди. Жаҳонгир эса суҳбатдошининг соддалигидан фойдаланиб, уни яна алдаш пайига тушди. Дилига туккан қабиҳ ниятини амалга ошириш учун янги танишини бинонинг орқа томонига, очиқ ҳавога таклиф этди. Атроф қоронғу, бунинг устига ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган хилват жой. У фурсатни бой бермай ишга киришди. Ниғмат ака эса ҳеч нарсадан бехабар...

Тўсатдан бўйин қисмига келиб тушган мушт зарбидан эсанкираб қолди ва ҳушини йўқотди. Жаҳонгир эса бир ҳолда ётган дўстининг юз қисмига бир неча бор тепиб, унинг чўнтагидан 51 минг сўм пул, нархи 6700 сўм бўлган ойлик йўл чиптаси ҳамда кўзойнагини олиб воқеа жойидан жуфтакни ростлади. Бу гал ҳам ови бароридан келган шоввоз икки лунжини тўлдириб, уйга қайтди. Ҳушсиз ётган инсоннинг аҳволини ҳаёлига ҳам келтирмади.

Ниғмат ака ўзига келган пайтда атрофга жимлик чўккан, автобуслар ондасонда юрадиган маҳал эди. Чўнтакларини ковлаб кўргач, кимга рўбарў бўлганлигини фаҳмлади. Оқибатда ўғлининг туғилган кунига нарса харид қилиш учун бозорга бораман, деб чиқиб кетган ота ярим тунда уйга бир аҳволда кириб келди. Аммо у масалани шундоғлигича қолдирмади. Жароҳатлари битиб, анча соғайгач, жиноятчини қидириб топишга ҳаракат қилди. Илгари суд-ҳуқуқ соҳасида ишлаганлиги қўл келди. У Яккасарой туман ИИБга келиб, жиноятчини Жаҳонгир исмли муқаддам судланган, ҳозирда озодликда юрганлар сафидан қидирди. Ниғмат аканинг бу усули ИИБ ходимлари ишини анчайин осонлаштирди.

...Остона ҳатлаб кирган Жаҳонгир янги танишини кўрди-ю, кўзлари олазарак бўлиб кетди. Лекин унинг талмовсирашигаям, устомонлигига ҳам ҳожат қолмаганди. Ушбу иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида суриштирув ишлари олиб борилди. Шу нарса аниқландики, Жаҳонгир Ҳакимов Яккасарой туман ободонлаштириш марказида ишчи бўлиб ишлаган, муқаддам икки марта судланган. Биринчи сафар Юнусобод туман судининг 1996 йил 13 февралдаги ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддаси «б» бандига асосан муддатидан олдин жазони ўташ маҳкамасидан озод қилинган. Кейин эса Яккасарой туман судининг 2000 йил майдаги ҳукми билан 9 йил озодликдан маҳрум этилган. Навоий шаҳар судининг ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 74-моддасига кўра, ўталмай қолган 4 йилу 10 ой 29 кунлик жазоси аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган эди.

Шу ўринда савол туғилади. Ўз қилмишидан пушаймон бўлиш ўрнига қасддан бировнинг молига кўз олайтириш, унга озор етказиш, арзимаган пулни деб маҳалла, эл-юрт олдида шарманда бўлиш нақадар оғир савдо эканлигини наҳотки тушуниб етмаган бўлса?!

Юқоридагиларга асосан суд Жаҳонгир Ҳакимовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топди ва ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Бугина эмас, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 60- ва 61-моддаларига асосан муқаддам судланганлиги бўйича ўталмай қолган 4 йилу 10 ой 29 кунлик жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан Ж.Ҳакимов 12 йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Ҳа, эсиз умр, одамгарчилик.

**Носир АКБАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди судьяси**
**Раҳима ЖЎРАҚУЛОВА,**
**журналист**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ

**Газетамизнинг ўтган йил 157-сонида «Номи мактаб журналида қайд этилмаган....» сарлавҳаси остида танқидий мақола чоп этилганди.**

Ана шу мақола юзасидан Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилган: «Аниқланишича, Каттақўрғон туманидаги 68-мактаб директори вазифасини бажарувчи Б.Примов ўтган йил май ойи бошларида халқ таълими бўлимига мурожаат этиб, 2004 йил январ ойидан бошлаб Маҳлиё Абдуллаева 11-синфга қабул қилинганлиги ҳақида илмгоҳнинг собиқ раҳбарлари (директор Д.Аҳмедова ва ўринбосари Т.Муҳаммадиевлар) айби билан бу ҳақда юқори ташкилотга маълумот берилганлиги таъкидланган. 2003-2004 ўқув йилининг иккинчи ярмида мактабда ўқиётган М.Абдуллаева Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 3-мактабдан берилган ҳужжатларни тақдим этиб, уни ўқувчилар сафига қабул қилишларини сўраган.

Шу асосда туман халқ таълими бўлимининг М.Абдуллаевани 68-мактабнинг 11-синфига қабул қилиш тўғрисида буйруғи чиқарилган ва унга якуний натижаларга кўра ўрта маълумот ҳақида шаҳодатнома берилган.

Лекин мақола юзасидан ўтказилган текширишлар жараёнида ҳақиқатдан ҳам М.Абдуллаеванинг Хатирчи туманидаги 3-мактабнинг 10,11-синфларида ўқиганлиги тўғрисидаги тақдим этган ҳужжатлари қалбаки бўлиб чиқди.

Тегишли ҳужжатларсиз М.Абдуллаевани мактабга қабул қилган ва синф журналида қайд этган собиқ диретор Д.Аҳмедова, директор вазифасини бажарувчи Б.Примовлар туман халқ таълими бўлимининг буйруғи билан вазифасидан озод қилинди.

Айни пайтда ушбу масала бўйича туман прокуратураси жиноий иш қўзғатди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур мақола барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида кенг муҳокама қилинди, бундай ташвишли ҳолат қайта такрорланмаслиги учун чоралар белгиланди.

**М.БОБОЁРОВ,**
**Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи**

**Саҳифани «Ишонч» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади**







*Хабарлар оқимидан*

## ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

Жамият тараққиёти жараёнида ҳаётнинг ўзи тақозо этган кўплаб янги сўз ва иборалар юзага келиб, муомалада қўлланилмоқда. «Инклюзив таълим» ибораси ҳам бугунги кунда маърифий мазмун касб этиб, ўзига кенг йўл топди.

Инклюзив таълим тушунчаси бундан 15 йил аввал Таиландда ўтказилган халқаро илмий конференцияда илк бор қўлланилган эди. «Таълим ҳамма учун» деган шиор остида уюштирилган мазкур анжуманда инклюзив таълимнинг аҳамияти атрофлича баён этилди.

Маълумки, соғлом ўсаётган болалар бахтсиз ҳодисалар туфайли нуқсонли бўлиб қоладилар. Бу эса уларнинг мактабларда, лицей ва коллежларда таълим олишида бироз қийинчилик туғдиради. Улар билан таълимий иш олиб боришда ўқитувчилардан катта ирода ва масъулият талаб қилинади. Булар инклюзив таълим жараёнини ташкил қилади.

Имконияти чекланган толиби илмлар билан яқиндан шуғулланишга республикамизда ҳам катта аҳамият берилмоқда. Инклюзив таълим ресурси марказининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди.

Ушбу марказнинг республика таълим маркази ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказган анжуманида инклюзив таълимнинг концепцияси доирасида қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Бу эса имконияти чекланган болаларни таълим жараёнига кенг жалб этишда муҳим маърифий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## ТАРБИЯЧИЛАР ЯРАТГАН МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Мактабгача ёшдаги болаларда миллий ифтихор туйғусини ўстириш ишлари болалар боғчаларидан бошланади. «Одоб дурдоналари» деб номланган дастур асосида яратилаётган ўқув қўлланмалари ҳам муҳим маърифий аҳамият касб этмоқда.

Тошкент педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси томонидан бу қўлланма махсус тайёрланди. Кичик ёшдаги болаларга бериладиган таълим мазмуни ўз ифодасини топган бу дастур устида пойтахтимиздаги қатор болалар боғчаларининг моҳир тарбиячилари билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

Ана шу дастур асосида «Одоб дурдоналари» деб номланган методик қўлланма юзага келди. Унда боғча болалари эгаллашлари керак бўлган ахлоқ-одоб кўникмаларининг тафсилотлари атрофлича ёритилди.

*Эртани ўйлаб*

***Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 36 та таълим муассасалари мавжуд. Бу ўқув юртларининг 34 таси коллеж, 2 таси академик лицейдир. Уларда жами 21 мингдан ошиқроқ ёшлар таълим олишмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 6 та коллеж янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

## БИР ЙИЛДА ОЛТИТА КОЛЛЕЖ

Бахмал туманидаги Абдувоҳид Усанов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги Шойбек қишлоғида иқтисодиёт йўналишидаги янги коллеж биноси ана шулардан бири. Қурилиш ишларини «Наврўз айёми» хусусий фирмаси бунёдкорлари бажаришди. Лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган 879 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ўқув бинолари ёнида спорт зали, 100 ўринли ётоқхона, 40 ўринли ошхона қурилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. 600 ўқувчига мўлжалланган иқтисодиёт йўналишидаги ушбу ўқув масканида бухгалтерия-аудит, молия, статистика, банк иши, менежер, тикувчилик бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Жиззах шаҳрида яна бир касб-ҳунар коллежи қурилиб, ишга туширилди. Уй-жой коммунал хизмат йўналишидаги 9 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 450 ўринли янги коллежда айни пайтда 611 нафар йигит-қиз касб-ҳунар ўрганишмоқда. Барча қулайликларга эга ўқув аудиториялари, фан кабинетлари, кутубхона, лабораториялар, ошхона, спорт майдончалари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарорининг бажарилиши бўйича муайян ишлар амалга оширилаяпти. Вилоятда 2004-2009 йиллар мобайнида 4 та академик лицей ва 57 та касб-ҳунар коллежлари ташкил этилиши режалаштирилган. 2004 йилда 10 та ўқув муассасалари янги қурилиш ва реконструкция йўли билан барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, манзилли дастурга 7 таси киритилган. Шундан 5 таси реконструкция йўли билан, қолган 2 таси янги қурилиш ҳисобидан барпо этилиши мўлжалланган эди. Ўтган йили фойдаланишга топшириладиган коллежлар учун бюджет ҳисобидан 7 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, мўлжалдаги ишлар амалга оширилди.

Жиззах шаҳрида жойлашган Олимпия заҳиралари коллежи ҳамда Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Сайилжойи» академик лицейи компьютер синфлари халқаро интернет тизимига уланганлиги жаҳон илм-фани ютуқларидан фойдаланишда ҳамда илмий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда катта ёрдам бермоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшма спорти*

## БОКС: ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

***Ўтган йил давомида Тошкентдаги «Локомотив» Марказий жисмоний тарбия ва спорт клубида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ҳамда Тошкент минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида 20 дан ортиқ турли спорт мусобақалари ўтказилган эди.***

Локомотивчилар, айниқса бокс мусобақаларида салмоқли ютуқларга эришдилар. Хусусан, декабр ойида Андижон шаҳрида ташкил этилган Республика биринчилигида барча вилоятлардан, Қорақалпоғистондан ва Тошкент шаҳридан кучли боксчи ўсмирлар иштирок этди. Олим Тошматов 60 кг вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоасига номзод бўлди.

2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши ҳам темирйўлчи спортчиларга ўзига хос вазифаларни юклайди. Улар ҳар бир мусобақага пухта тайёрланиб, ғалабаларга эришиш йўлини кўзлашмоқда. Ва айтиш жоизки, йил улар учун омадли бошланди. Тошкент шаҳрида 2-4 январ кунлари бокс бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган «Меҳржон – спорт» анъанавий турнирида «Локомотив» МЖСК боксчи ёшлари ҳам фаол иштирок этишди. Кескин баҳсларга бой бўлган ушбу мусобақада темирйўлчи боксчилардан Нодир Солиев, Адҳам Меликўзиев, Абдуҳамид Ҳакимов ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқдилар. Шунингдек, Вадим Ҳакимов, Шоҳруҳ Рўзибоевлар 44 ва 40 кг вазн тоифасида фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

– Ёш боксчиларимизнинг ушбу ғалабалари темирйўл спортининг келажаги порлоқ эканлиги ва сафимизда умидли ёшлар борлигидан, улар орасида келажакда Ўзбекистон шарафини дунё миқёсида ҳимоя қила оладиган забардаст янги жаҳон чемпионлари етишиб чиқишидан дарак беради, – дейди «Локомотив» спорт клуби директори ўринбосари Абдужаббор Зуфаров. – Ахир, спорт ҳамма вақт соғлиқ гарови бўлиб келган. Бунга биз ёш боксчиларимиз эришаётган зафарларига қараб яна бир бор иқрор бўлмоқдамиз.

**Аҳмад ДАМИНОВ**

Миришкор туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини юқори даражага кўтаришга кенг аҳамият қаратиляпти. Помуқ қишлоғида жойлашган шошилинч тиббий ёрдам бўлими биноси яқинда қайта таъмирдан чиқарилиб, чиройли кўринишга эга бўлди. Шифо маскани ҳакимлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида хасталар дардига малҳам бўлишмоқда.

**Суратларда: шфокорлар Бекмурод Мамедов, Комил Раҳимов, Баҳриддин Авлоқулов беморни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда; катта ҳамшира Нодира Итолмасова; ШТЁБ биноси кўриниши.**

**Шавкат СУЛТОН**
**олган суратлар**



*Сиз кутган учрашув*

## «ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

«Мафтунингман» фильми экранларга чиққанига қирқ беш йилдан ошди. Ҳамон биз шу фильмни меҳр ва соғинч билан томоша қиламиз. Юлдузхоннинг қўшиқлари, хаёллари, севгиси беихтиёр кўнглимизга кўчади. Экрандаги қизга мафтун бўлганча қоламиз.

***Дўппи тикдим, ипаклари***
***тиллодан,***
***Ипаклари деманг зари***
***тиллодан...***

Фильмда Юлдуз ролини ижро этган актриса Клара Жалилова ўша йилларда мана шу қўшиғи билан ҳам кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлганди. У фильм яратилганидан то бугунгача турли роллари ва қўшиқлари билан экранларда пайдо бўлаверади. Лекин барибир мухлислари уни гўзал Юлдузхонни кутиб олгандек қаршилар, айримлари «бу ўша Юлдузхон-ку» дер эдилар. У ҳамманинг юрагига аввало Юлдуз бўлиб кириб келганди-да, ахир.

Бу ҳақда Клара Жалилованинг ўзи шундай дейди:

- Ўша йилларни эсласам... ишонасизми, оёғим ерга тегмасди, учиб юрардим, кўчага чиқсам ортимдан эргашишарди. У вақтда менга ошиқ бўлмаган кишининг ўзи йўқ эди. Уйимизга сўраб келувчиларнинг кети узилмаган. Онам оддий аёл - ўшанда совчиларга нуқул «қизимнинг ўзидан сўранглар» деяверган.

**- Клара опа, демак ўша 1959 йил сиз учун «юлдузли» бўлиб қолган экан-да?! Чиндан ҳам ўшанда орзуингизга эришган қиз сифатида «энг яхши қўшиғингиз»ни куйлаб, «энг чиройли рақсингиз»ни ўйнаганмисиз?**

- «Мафтунингман»даги ролим мени тезда машҳурлик шоҳсупасига кўтарди. Фильм экранларга чиқдию, тилга тушдим, ҳамма жойда фақат мақтов сўзларини эшитардим. Аслида бу олқишлар фақат ижроим учунгина эмасди, аксинча фильмнинг ўзи зўр чиққанди! Режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг фидойилиги, «Дўппи тикдим» қўшиғини ёзган шоир Туроб Тўланинг моҳирлиги, шу қўшиққа куй басталаган Мутал Бурҳоновнинг ғоят нозик диди, барча-барчаси муваффақиятли чиқишига хизмат қилган. Қўшиқни куйлашим тасодифий эмасди, мен санъатга хонанда сифатида кириб келганман.

**- Демак, фильмга суратга тушишга қадар ҳам қўшиқ ижро этгансиз, шундайми?**

- Хор тўгарагида қўшиқ айта бошлаганимда ўн тўрт ёшда эдим. Ҳалима Носированинг назарига тушдим. Сўнг мусиқа билим юртига кирганман. 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган Жаҳон ёшларининг VI фестивалида қатнашиб, муҳташам залда «Эй меҳрибоним»ни куйладим. У ёқдан олтин медал билан қайтдим. Ўшанда фестивал ҳакамлар ҳайъатининг раиси, машҳур хонанда Булбул Мамедов менга «Сиз келгусида яхши хонанда бўлишингиз керак!» деб алоҳида таъкидлади. 1959 йилда яна Москвага бордик. Машҳур санъаткорлар - Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев, Амин Турдиев, Шукур Бурҳонов, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимовлар қаторида ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнащдим. Ўшанда афғонча, русча, ҳиндча қўшиқларни айтганман. Бутун зал мени олқишлаган. Кейин ҳам кўп қўшиқлар куйладим. «Илила ёр», «Дарё тошқин», «Отма мени тошлар билан», «Ёр-ёр»... Афғон қўшиқчиси Хиёл билан бирга ижро этган «То тўра дидам» қўшиғим яқин-яқингача ёшлар тилидан тушмасди.

**- Айтишларича, афғонистонлик машҳур хонанда Хиёл сизни бир пайтлар яхши кўриб қолиб, ўз юртига таклиф этган экан-а?**

- Таклиф этиш ҳам гапми, олиб кетмоқчи бўлган! Лекин кўнмадим. Ўзга юртда нима қиламан?! Ҳар бир инсон ўз юртида азиз бўлсин...

**- Санъаткор бўлишингизни ота-онангиз маъқуллашганмиди?**

- Йўқ. Отам Алимадад Жалилов санъат ихлосманди бўлсалар-да, саҳнага чиқиб қўшиқ айта бошлаганимдан сўнг менга муносабатлари ўзгарган. Бир неча йиллар мен билан умуман гаплашмай қўйганлар. Кейинчалик тушуниб кечирдилар. Онам Шамсинур соддагина аёл эди. Болалигим Тошкентнинг Ҳадра майдонида кечган. Сингилларим - Дилором, Муҳаббат, Гулнора, укам Алишер ҳаммамиз йиғилсак, ҳали-ҳануз ўша йилларни соғинч билан хотирлаймиз.

**- Кинодаги фаолиятингиздан кўнглингиз тўладими?**

- Ўттизга яқин фильмларда ўйнадим. «Алиф Лайло», «Келинлар қўзғолони», «Чинор остидаги дуэл», «Қалдирғочлар баҳорда учиб келади», «Оҳ, Истамбул, Истамбул», «Арслоннинг саргузаштлари» сингари бадиий фильмлардан ташқари таниқли актёрларимиз билан бирга «Наштар» ҳажвий тележурналидаям тез-тез чиқиб турардим. Ҳамма ўйнаган ролларим ўзимга ёқади. Озми-кўпми халқ эътиборига тушдим...

**- Фарзандлар, набиралар қувончи билан яшаш ҳам бахт, аслида. Ҳозирги кунларингиздан мамнунмисиз?**

- Албатта! Уч ўғил, бир қизим бор. Набираларим бири-биридан ширин. Етказганига шукур. Ўзим азалдан болажонман, ишонасизми шу набираларимни деб ёшим ўтганда чеварликни ўргандим. Ҳар бирига пайпоқ, кўлкопчалар тўқийман.

**- Қандай ниятларингиз бор?**

- Ўтаётган ҳар бир кун учун шукур қиламан. Юртимиз тинч, эл-улус хотиржам, мана шунинг ўзи туганмас бойлик. «Тинчлигу осойишталикдан айирмагин, Аллоҳим» дея ҳар тонгда ҳовучимга дуо ўқийман. Ўзимизга, юртимизга яхшилик тилаб яшашни ўрганайлик, азизларим.

**Г. ЖАМИЛОВА**
**суҳбатлашди**

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

### 6,5 МЕТРЛИК СОЧ

Олимларнинг шаҳодат беришича, инсон сочи қайчи теккизилмаса одатда ойига ўртача 61-91 миллиметргача ўсиши мумкин. Лекин бу асло чегара эмас. 1989 йили Ҳиндистонда сочининг узунлиги 6,5 метрга тенг бўлган Мата Жоҳдомба исмли йог яшаши аниқланган. Вустер (АҚШ) шаҳрилик Диана Уитнинг сочи эса худди шу вақтда 3 метру 15 сантиметрга етган. Бунинг учун Диана хоним оз эмас, кўп эмас нақд 17 йил давомида сочини кестирмай, ювиб, тараб, парваришлаб ўстирган.

### АНА ИМОРАТУ, МАНА ИМОРАТ

АҚШнинг Иллинойс штатидаги «Сирз, Роубак ва К» фирмасига қарашли иморатга ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди. Чикаго шаҳрида жойлашган ушбу муҳташам бино ўтган асрда бунёд этилган. Бинонинг қаватлари сони 110 та, томига ўрнатилган телевизион антенналар билан қўшиб ҳисоблаганда баландлиги салкам 521 метрга тенг. Бу ерда 16 минг нафардан ортиқ киши фаолият кўрсатади. Юқори қаватларга чиқиб-тушиш учун уларга 103 та лифт, 18 та эскалатор хизмат қилади. Бино деразалари сони эса хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 16 мингтага етади.

**З.РАҲИМОВА**

***2004-2005 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши илм масканлари моддий-техник базасини мустаҳкамлабгина қолмай, балки педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун катта имкониятлар яратади.***

*Тарихимизни биласизми?*

## ЎҚИТУВЧИ БОЙЛИГИ

Қаерда ёш авлод камолоти учун фидойилик кўрсатаётганларга ғамхўрлик кучайтирилса, ўша жойда муваффақиятга эришилади. Қорақалпоғистоннинг Кегайли туманида 54 та умумтаълим мактаби, 1та лицей, 4 та боғча мажмуаси бўлиб, уларда 18792 нафар ўғил-қиз билим олаяпти. Мактабларда ишлаётган 2500 га яқин муаллимларнинг 5 нафари орден ва медаллар билан тақдирланган,уларнинг 84 таси олий, 552 нафарини биринчи тоифали мутахассислар ташкил этади.

Тизимда давлат таълими стандартларининг жорий этилганлиги, иш услуби такомиллаштирилганлиги ўқув-тарбия самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатяпди. Муаллимларнинг ижодий изланишлари, ўз касбларига талабчанлиги ортиб бормоқда. «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови иштирокчиси 1-ўрта мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани муаллимаси Турсуной Умирова, 9-ўрта мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси Бахтли Сарибоева «АКСЕЛС» танловида ғолиб чиқиб, Америка Қўшма Штатларида малака ошириб келишди.

Ўттиздан ортиқ ўқитувчиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилди. Қорақалпоқ тили ва адабиётидан Р.Бердимуродова, тарих ва ҳуқуқ фанидан Г.Хўжанова, ўзбек тилидан З.Ажиева, физикадан Ж.Қайипназаров, бошланғич таълимдан З.Қанназарова каби ўқитувчиларнинг методик китобчалари нашр этилиб, мактабларга тарқатилди.

– Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг туман вакиллиги ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор беряпти, – дейди биз билан суҳбатда 9-умумтаълим мактаби директори Н.Айтимбетова. – 150 дан ортиқ меҳнат фахрийларига ярим миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлардан 20 нафари мамлакат миқёсидаги санаторийларда дам олиб, соғлигини тиклади.

Меҳнат аҳлининг иш шароитларини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш эътиборда турибди. 3-, 9-, 16-, 34-, 54-ўрта мактаб ва иккита болалар боғчалари қайтадан таъмирланиб, иккита мактабнинг иситиш қувурлари янгиланди. 1-лицей-интернат ва 5 та мактаб замонавий компьютер синфлари билан таъминланди.

«Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловида 19-ўрта мактаб ўқувчилари республикада биринчи ўринни эгалладди. «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Оила – қадриятлар макони», «Оилада қизлар ўрни» кўрик-танловларида 1-, 5- ва 10-мактаб муаллимлари тайёрлаган ўқувчилар юқори натижага эришди. Тажрибали муаллимлардан Е.Алламуротов, Н.Ҳакимова, З.Нагиметдуллаева, Г.Ибрашова, Б.Сарибоева, Н.Наметдуллаева, Б.Алижонова кабилар фан олимпиадалари ўтказишдаги намунали хизматлари учун моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. 3 минг нафар ходимга коммунал хизматлардан енгилликлар берилган. Овулларда яшаётганларга деҳқон хўжаликлари учун томорқа ерлари ажратилди.

Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилган қарорини бажариб бориб, ҳар бир мактабда спорт зали ва майдончалари ташкил этилди. Сапалоқ полвон Шомуродов номидаги ёшлар ва ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчилари Ойназар Усмонов, Каромат Сапалоқов, Рустам Ўрозовлар миллий кураш бўйича мамлакат биринчилигида совринли ўринларни қўлга киритишди. Тармоқ ходимлари Қорақалпоғистон қўмитаси кубоги учун ўтказилган мусобақаларда 20-мактаб муаллимлари Н.Мамутов, Г.Қадримбетов ва С.Қадримбетовларнинг шоҳмот, болалар спорт мактаби мураббийси М.Болтаниёзов миллий кураш мусобақалари ғолиби бўлди. Совриндорларга касаба уюшмалари томонидан 170 миллион сўм мукофот берилди.

Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларининг иситилиши қатъий назоратга олинган. Қишки мавсумга 110 тонна суюқ ёқилғи, 483 тонна кўмир тайёрланди. Касаба уюшма вакиллари жойларда бўлиб, иссиқлик таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришяпти. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 12 миллион сўмлик дарслик ва кўргазмали ўқув қуроллари тарқатилди.

– Касаба уюшмаси педагог ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланган, – дейди қўмитанинг туман бўйича вакили Еражаб Хўжонов. – Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида ўқитувчиларга берилган имтиёз ва кафолатлар ижроси, Меҳнат Кодексида қўйилган талабларнинг бажарилиши доимий эътиборда турибди.

Муаллимлар меҳнати қадрланаётганлиги, уларга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги Оролбўйининг чекка бир туманида ёш авлод тарбиясига нечоғлик масъулият билан ёндошилаётганлигини кўрсатиб турибди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

*Футбол-тест*

**1. Футзал бўйича 2004 йилги Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси қандай иштирок этган?**

A) 1-ўринни эгаллаган
B) 2-ўринни эгаллаган
C) 4-ўринни эгаллаган
D) Чемпионатда қатнашмаган

**2. Сўнгги Европа чемпионатида қайси фирма томонидан ишлаб чиқилган тўпларда ўйналган?**

A) «Nike» фирмаси
B) «Adidas» фирмаси
C) «Mika» фирмаси
D) «La dellas» фирмаси

**3. БАА стадионларида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги 14-жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳсларида вакилларимиз қайси юрт терма-ларига қарши кураш олиб боришган?**

A) Аргентина, Испания, Панама
B) Аргентина, Испания, Германия
C) Аргентина, Испания, Миср
D) Аргентина, Испания, Мали

**4. Ўтган йилги миллий чемпионат олий табақа тўпурарини топинг.**

A) Шуҳрат Мирхолдиршоев
B) Умид Исоқов
C) Зафар Холмуродов
D) Владимир Шишелов

**5. Россия чемпионатининг энг қиммат ўйинчиси, аргентиналик Фернандо Кавенаги қайси жамоа аъзоси ҳисобланади?**

A) «Динамо» (Москва)
B) «Локомотив» (Москва)
C) «Спартак» (Москва)
D) ЦСКА (Москва)

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 2 3 4 5